

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Афанасьев В.Н., Юзбашев М.И. Анализ временных рядов и прогнозирование: Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. – М.: «Финансы и статистика», 1994.-228с.
3. Беркинов Б.Б. Вопросы моделирования и информатизации управления в агропромышленном комплексе Узбекистана. АН РУз. Доклады республиканской научно-технической конференции. 5-6 сентябрь 2011г.
4. Елисеева И.И., Курышева С.В., Костеева Т.В. и др. Эконометрика: учебник. / Под ред. И.И.Елисеевой.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2007.- 339 с.
5. Новиков А.И. Эконометрика. Учебное пособие.- М.: Инфра-М. 2010.-146 с.
6. Нуриев Р.М. Эканомика развития: модели становления рыночной экономики. – М., 2008. – С.19.
7. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. “Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари”. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 249 бет.
8. Пардаев М.Қ., Абдурахманов Қ.Х., Маҳкамова М.А., Пардаев О.М., Бабаназарова С.А. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. (Монография). – Т.: “Фан ва технология нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 172 бет.
9. Пардаев М.Қ. Иктиносидий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021.588 бет.
10. Шодиев Т.Ш., Турсунов А.Т. ва б. Эконометрика: ўқув қўлланма. – Т.: ИПК “Шарқ”, 1999. -240 б.

### ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ МАЗМУНИ

**Махмудова Феруза Халилжановна -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Инновацион таълим” кафедраси ассистенти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Олий ва касб-хўнар таълимини бошқаришида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, баркамол авлодни ўқитиши ва тарбиялашда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, олий таълимдаги ўқитувчининг инновацион фаолиятини баҳолаш ва уни ўстириш бу борадаги муаммолар ва уни ҳал этиш масалалари кўрилган.

**Асосий тушунчалар.** Таълим, педагогик технологиялар, илғор ўқитиши услуби, билим, кўнинка, малака, модел, таълим жараёни, инновацион усул, таълимнинг самарадорлиги, педагогик тизимлар.

### СОДЕРЖАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ В ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Махмудова Феруза Халильяновна -**  
Ассистент кафедры “Инновационное образование”  
Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье рассматривается внедрение современных инновационных технологий в управление высшим и профессиональным образованием, реализация единой государственной политики в обучении и воспитании гармонично развитого поколения, оценка и развитие инновационной деятельности преподавателей высшей школы.

**Ключевые слова.** Образование, педагогические технологии, передовые методы обучения, знания, навыки, квалификации, модели, образовательный процесс, инновационные методы, эффективность обучения, педагогические системы.

### THE CONTENT OF THE INNOVATIVE ACTIVITY OF THE TEACHER IN THE ORGANIZATION OF ECONOMIC EDUCATION

**Mahmudova Feruza Khaliljanovna -**  
Assistant of the Department of “Innovative Education”  
Tashkent State University of Economics

**Annotation.** This article discusses the introduction of modern innovative technologies in the management of higher and vocational education, the implementation of a unified state policy in teaching and educating a harmoniously developed generation, the assessment and development of innovative activities of teachers in higher education.

**Keywords.** Education, pedagogical technologies, advanced teaching methods, knowledge, skills, qualifications, models, educational process, innovative methods, teaching effectiveness, pedagogical systems.

**Кириш.** Ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижобий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имкониятлар, яъни, назарий-амалий, ўқув қуроллари ва

воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳамда педагог ўзидағи мавжуд маълумотлар ва имкониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича маълумотлар ва илғор ўқитиши услубларини кўзлаган

мақсадга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши лозим[1].

Педагогда шаклланган билим, кўнгумка, малака ва ўқитиш воситалари, илғор педагогик технологиялар имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилиятлари мавжуд бўлиб, у Давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчига аниқ мақсадини белгилаб олиши имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, педагогик технологияларни қўллаш режасини ишлаб чиқишига, яъни вазифаларини белгилаб олишга олиб келади. Белгиланган мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда таълимнинг ҳаракатчан модели яратилади. Моделни ишлаб чиқиши асосан тизимли ёндашув услуги, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетмакетлигига асосланган ҳолда олиб борилади. Таълим моделини яратиш замонавий таълим технологиясининг асосий талабларидан бири-дир[2].

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўкув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётда сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда. Таълим тизими янги ахборотлар билан ишлаш қобилияти ижодий ечимининг таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Ўзбекистон Республикасида инновацион таълим мавзусининг ижтимоий-социологик, фалсафий, тарихий ва иқтисодий жиҳатларини ёритиб беришда: Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А, Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” номли дарслигига, таълим беришда инновацион ҳояларни татбиқ этиш борасида[1], Файзуллаева Н. “Таълим менежменти ва иқтисодиёт” номли ўкув қўлланмада, ўқитувчилар томонидан дарс бериш жараёни сифати, уни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган[4]. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Мустақил ўкув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талabalariiga ёрдам тариқасида) номли ўқув-услубий қўлланмасида ўкув фаолиятни инновацион усуллардан фойдалиниш бўйича ўз қарашларини баён этганлар[6].

Шу билан бирга, Толипов У., Усмонбоева М.[3], Эгамбердиева Н, Исмоилова Х.[5], Хошимов К., Файзуллаева Н.С.[4], Ҳакимова М.Ф.[8] лар ҳам бу борада ўз қарашларни асарларида баён этганлар.

Таълим хизматлари бозори амалий таҳлиллар негизида назарий ва фундаментал тадқиқотлар ётади. Бунда хорижий ҳамда мамлакатимиз етук олим ва мутахасисиларнинг ушбу

соҳа ривожланишига қўшган ҳиссалари ва илмий фикрлари муҳим ҳисобланади.

Россиялик олималаримиздан бири М.П. Прохорова “Олий таълимни ривожлантириш учун ҳар бир ҳодимнинг инновацион фаолияти етук даражада амалга оширилиши лозим акс ҳолда педагогик фаолиятни фаол ташкил этишини имкони йўқ” дея таъқидлайди[13].

Маҳаллий олимлардан А.Х. Эшбаевнинг фикрича “...таълим тизимининг фаолияти жараёнда вужудга келувчи ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар унинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини ифодалайди”[14], Б.С.Рябушкин: “Ўқув юртлари ҳодимлари жамиятнинг таълим хизматлари деб ном олган ўзига хос иқтисодий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиришади”[15], - деб ёзади.

Г.Н.Ахунова “Олий таълим муассасаларининг фаолияти таълим хизматлари кўрсатишнинг икки, яъни бир томондан, шахснинг олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш; иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш нуқтаи назаридан туриб муҳокама этилади”[16] деб таъқидлайди.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммони ечимига олиб борувчи стратегик йўналишлар белгиланган. Тадқиқот обьекти сифатида олий таълим муассасалари таълим жараёнлари қамраб олинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Таълим – педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўкувчи-ўкувчи билан ўқитувчи (педагог)нинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга teng бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Илғор педагогик технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади[9]:

- ўкувчи-ўкувчининг ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиши, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиши;

- билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;

- ўртacha ўкувчи-ўкувчига йўналтирилганликдан ўқитишининг табақалашган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;

- ўкувчи-ўкувчининг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиши.

хал этиладиган масала аниқлаштирилади
Талабалар топширик мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништирилади
Талабалар кичик гурӯҳ (ёки жуфтлик)ларга бириктирилади
Гурӯҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўртбурчак (квадрат, айланада асосий муаммо (фоя, вазифа)ни қайд этади
Гурӯҳ (жуфтлик)лар масаланинг ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айланада атрофида саккизта шундай кўшимча чизмаларни хосил қиласди (уларда масаланинг хусусий ечимлари баён этилади)
кўшимча чизмалардаги гоялар гулнинг “тўлбарглар и”га, яъни шундай алоқида мажмууга олиб чикади (уларнинг ҳар бири яна бир муаммо кўрининини олади)
Ёрдамчи чизмалардаги етакчи муаммо (фоя, вазифа) атрофидаги “тўлбарглар”да хусусий масала ва ечимлар акс эттирилади
Ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор тақрорланиши мумкин
ҳар бир гурӯҳ ёки жуфтликлар топширик юзасидан ўз ечимларини тақдимот тарзида баён этади
Гурухларнинг ечимлари мухокама қилиниб, энг тўғри вариант аниқланади
Ўқитувчи ҳар бир гурӯҳ ишига баҳо бериб, машгулотни якунлайди

### 1-расм. Ўқувчини фаоллигини ошириш йўналишлари

Таълимда замонавий дидактика ва таълимнинг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланишига ўтилмоқда. Бунда педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шаклларининг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўқитишнинг педагогик тизимларини қўллаш мұхим ҳисобланади.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб курилма ва жараёнлар ўрганиладиган таълим тизими доирасида айнан таълим жараёнини етарлича самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология педагогнинг лойиҳалаштирилган ўқув жараёнига ижодий ёндашуви учун кенг ўрин қолдирган ҳолда тўлдиради.

Педагогик технологиянинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига сўзсиз эришиш ўқув жараёнида лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакилиқда эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текширув, таълимни алоҳида ўргатувчи эпизодларда бўлиш, ўқув жараёнининг барча бундай қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига мужассамлаштириш имконини туғдиради.

У асосан ўз ичига қўйидагиларни олади:

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;

- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси (бу босқичда тескари боғланиш асосида зудлик билан таълим жараёнига тузатиш киритилган бўлиши лозим);
- натижани баҳолаш.

Ўқув мақсадларининг тўлиқ стандартлаштирилишининг меъёри қўйидагича бўлиши мумкин:

- а) юқори, аммо мутлақ эмас;
- б) мутлақ.

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги туфайли уни тўлиқ кузатувчан хатти-ҳаракатлар типига айлантириш имконини бермайди, цикл тўлалигича қайта ишлаб чиқилмайди.

Иккинчи ҳолатда конвейерли жараён бўлган таълимнинг репродуктив типи билан иш юритилади.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагог олимлар, методист ўқитувчилар педагогик технологиянинг қонун-қоиди ва принциплари асосида услубий материалларни ишлаб чиқиш пайтларида юксак малака талаб этилади. Материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан, ташкилий ва маслаҳатли (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Ўқув жараёниниң барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёниниң сўнгги натижаларига йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Ўқувчи-талабалар босқичма-босқич узлуксиз таълим жараёнида иқтисодий билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг тафкурлари ҳам шакллана боради. Улар қуидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қиласди: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос услугуб ва методлар асосида амалга оширишда; шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ иқтисодий тушунчаларни; иқтисоднинг сиёсий ва бозор муносабатлари билан боғлиқ қонуният асослари ва улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқларини; мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни; ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида иқтисодий тайёргарликни ўзида шакллантиришни; иқтисодий билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатларидан бири деб қарашни; иқтисодий билим асосидан хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва

давлат иқтисодий, хукуқий сиёсати асосида на-моён этади[10].

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай ноxуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Ривожланган бир қатор мамлакатларда мұваффақият билан қўлланиб келаётган илғор педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда республикамизнинг миллий педагогик технологиясини яратиш бугунги куннинг талабидир.

Иқтисодий фанларни ўқитишида инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиилар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида ўқувчиларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга. Шунингдек, замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқдир. Таълим жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланадиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиб, ижодий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-ўқувчилар мустақил фикрлаб, ижодий ишлай олсалар – бу таълим жараёниниң асоси ҳисобланади[8].

Иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологииларни замонавий ахборот технологиилар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Иқтисодий фанлардан ўрганилаётган материалларнинг ўқув соатлари миқдори ҳисобга олинган ҳолда мавзуу блокларига ажратилади,

ҳар бир маъруза мавзу блокига 2-8 ўқув соати оралиғида вақт ажратилади ҳамда ушбу мавзу блокига мос амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни ва ҳажми белгиланади [10]. Бу усулда ҳар бир мавзуни ўрганишдаги ички изчиллик ва узвийлик тўла сақланади ва ўқувчиларда мавзуга оид малака ва кўнкималарни тўлароқ ва мақсадлироқ шакллантириш имконияти кучаяди.

Инновацион технологияларни ўқитиш жараёнида юқори малакали, рақобатбардош ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий омилкорликларини шакллантириш, методик маҳоратини кўтариш, ўқитувчи-педагогларни педагогик технологиялар билан қуроллантириш омили бўлиб қолмоқда.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар бу – жамоа бўлиб фикрлашдир, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуидагилар киради:

- ўқувчининг машғулот давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни таълим жараёнида билимга бўлган қизиқишлигини доимий равища бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равища ҳар бир масалага ижодий ёndoшган ҳолда кучайтириши;

- ўқитувчи ва ўқувчининг доимий ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириши.

Замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида иқтисодий йўналишдаги ўқув юртларида маҳсус илмий тадқиқотлар олиб боришини кўзда тутади. Бунда энг аввало, қуидагиларни аниқлаш лозим:

- замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

- таълим мажмуи сифатида нимани англаши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

- педагогик технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

- педагогик технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўриғини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш лозимки, замонавий педагогик технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуги бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавзеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

**Хулоса ва таклифлар.** буғунги ёшларимизни иқтисодий тарбияланган, таълим олган, иқтисодий саводхонлик ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган, иқтисодий тафаккур ва онги юксак баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосига ҳар томонлама амалий ва назарий ёрдам бериш ҳар бир зиёли фуқаронинг бурчидир. Хулоса сифатида қуидагиларни таклиф этишимиз мумкин: ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини янада таъминлаш; узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш; янги таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш; давлат ва жамиятнинг кўллаб-кувватлаши неғизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш; таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувига асосланганлик тамоилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш; электрон ахборот-таълим ресурслари базасини кенгайтириш; ўқитишнинг мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш; ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустақиллик ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни яратиб бериш.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Фан ва технология, 2008.
2. Тоғибоева Д. Маҳсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2018.

3. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технология. Назария ва амалиёт -Т.: Фан, 2005.
4. Файзуллаева Н. Таълим менежменти ва иқтисодиёти. -Т.: Фан ва технология, 2018.
5. Эгамбердиева Н, Исмоилова Х. Технологик ёндашув асосида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технология, 2011.
6. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиши усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тартиқасида): Ўқув-услубий қўлланма - Т.: ТДИУ, 2010.
7. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов Ш.А., Болтабоев Р.М., Голиш Л.В., Гимранова Б.О. Илмий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари: Ўқув-услубий қўлланма - Тошкент: иқтисодиёт, 2010. 138 бет.
8. Хошимов К. ва бошқалар. Ўзбек педагогикаси антологияси. -Т.: Ўқитувчи, 2010.
9. Hakimova M.F., Musaxanova G.M. Kasbiy pedagogika. -T.: IQTISODIYOT, 2019.
10. Hakimova M.F. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi. -T.: IQTISODIYOT, 2019.
11. Hakimova M.F. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -T.: IQTISODIYOT, 2019.
12. Fayzullaeva N.S. Ta'lim menejmenti. - T.: IQTISODIYOT, 2019.
13. Прохорова Мария Петровна, Семченко Анжелика Ахмеджановна Инновационная деятельность преподавателя вуза как фактор качества педагогического образования // Вестник Мининского университета. 2016. №1-1 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnaya-deyatelnost-prepodavatelya-vuza-kak-faktor-kachestva-pedagogicheskogo-obrazovaniya> (дата обращения: 13.09.2021).
14. Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиши даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Тошкент, 2008. - Б.8
15. Рябушкин Б.С. Экономика образования. - М., МПУ, 2015. – С.24-26.
16. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни тақомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиши учун ёзилган дис.автореферати.-Т., 2004.- Б.45.

### RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI

*To'ychiyeva Odina Nabievna -  
Farg'onan politexnika instituti, katta o'qituvchi*

**Annotatsiya:** Oly ta'limi tizimida raqamli iqtisodiyot sohasi hali yangi tushunchalardan biri bo'lib, uni to'liq joriy etish zaruriy shart-sharoitlarni talab etadi. Ushbu soha yo'nalishida olib borilayotgan tadqiqotlar amaliy xarakterga ega. Maqolada O'zbekiston Respublikasining oly ta'lim tizimida raqamli iqtisodiyotdan foydalanish masalalari yoritilgan, ayniqsa, professional kadrlar tayyorlashda u bilan bog'liq bo'lgan masalalarga alohida urg'u berilgan.

**Kalit so'zlar:** raqamli kompetensiyalar modeli, element, raqamli iqtisodiyot, ta'limni raqamlashtirish, modernizatsiya, virtual ishlab chiqarish va elektron pul.

### ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Tuychieva Odina Nabievna -  
Ферганский политехнический институт,  
старший преподаватель*

**Аннотация:** Сфера цифровой экономики в системе высшего образования является достаточно новой для науки. В существующих исследованиях можно отметить значительный перевес в сторону изучения практических аспектов его внедрения, что создаёт определенные ограничения относительно глубины его теоретической проработки. В статье проводится анализ некоторых задач развития экономики будущего и подготовке кадров в системе высшего образования Республики Узбекистан в условиях формирования и дальнейшего функционирования цифровой экономики.

**Ключевые слова:** модель цифровых компетенций, элемент, цифровая экономика, цифровизация образования, модернизация, виртуальное производство и электронные деньги

### FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY

*Tuychieva Odina Nabievna -  
Fergana Polytechnic Institute Senior lecturer*

**Abstract.** In the system of higher education, the field of digital economy is still one of the new concepts, and its full implementation requires the necessary conditions. Researchs in this area is of a practical nature. The article deals with the use of the digital economy in the higher education system of the Republic of Uzbekistan, with special emphasis on issues related to it in the training of professionals.

**Keywords.** Digital competency model, element, digital economy, digitalization of education, modernization, virtual production and electronic money.